

ИЛМИЙ МУЛОҚОТНИНГ ҒАЙРИЛИСОНИЙ ХУСУСИЯТЛАРИ

Н. Очилова¹, Ф. Абдурахмонова²

Аннотация:

Мақолада экспрессивликнинг илмий матнда ифодаланиши коммуникатив характерга эга. Экспрессивлик илмий матннинг асосий кўрсаткичларидан бўлиб, мавҳумлаштирилган, аниқ, мантиқий асосга эга бўлган фикрни воқелантириш учун хизмат қилади.

Калит сўзлар: илмий, фан, риторик, лисоний, дискурс, руҳий, маънавий, экспрессив, восита, фалсафа, методология, мантиқий.

doi: <https://doi.org/10.2024/gaadks41>

Жамият тараққиётида илм-фаннинг роли алоҳида эканлиги барчага маълум. Дунёда рўй берган технологик ривож илм соҳасида эришилган ютуқлар натижасидир. Бу сирадаги ютуқлар фақат ишлаб чиқариш, иқтисодиёт соҳаларидаги туб ўзгаришлар, инқилобий ўсишларга сабаб бўлибгина қолмасдан, балки умуман инсон фаолиятини янги воситалар ва методлар билан бойитиш, ушбу фаолият турларини изчиллаштириш, самарасини ошириш вазифасини ҳам бажаради.

Илм-фаннинг энг асосий вазифаси оламни билиш имкониятларини кенгайтириш, табиатни “ўзлаштириш”, унинг сирларидан воқиф бўлиш ҳамда ривожланиш қонуниятларини очиб беришдир. Фанда ҳодисалар ўртасидаги боғлиқликлар қонуниятлари аниқланади ҳамда нарсасоҳодисаларнинг моҳиятини белгиловчи хусусиятлар тавсифланади. Илмий тадқиқотдан кўзланадиган асосий мақсад–инсоннинг атрофидаги воқеликка муносабати доирасида тўпланган тажрибани умумлаштириш ва қонуниятлар мажмуасини шакллантиришдир.

Инсон фаолияти давомида янги кўриниш олаётган объектларни ўрганиш вазифасини бажараётган фан соҳаси жамиятнинг ҳозирги ривожига вазиятида кўзга ташланадиган предметлараро муносабатларни ўрганиш билан чегараланиб қола олмайди. Ўзбекистонлик файласуф Н.Шермухамедова “Фалсафа ва фан методологияси” номли дарсликда ёзишича, “фан ҳаёти-инсон ҳаётининг бир қисми сифатида намоён бўлади... инсон интеллект олам ҳақидаги тугалланган билимни талаб қилади. Интеллект, табиий қизиқувчанлик, билимга ташналик асосида инсонга янги ва янги билимларни етказди”. Дарҳақиқат, илмий билим, худди барча турдаги руҳий–маънавий “маҳсулотлар” сингари, охир–оқибатда инсон фаолиятини измга солиш учун даркор. Билиш фаолияти турли кўринишга эга ва турли ролларни ўтайди.

¹ Очилова Нилуфар Номозовна, Самарқанд давлат чет тиллар институти инглиз тили назарий аспектлари кафедраси, в.в.б., доценти (PhD)

² Абдурахмонова Фируза Мухиддиновна, Самарқанд давлат чет тиллар институти инглиз тили назарий аспектлари кафедраси ўқитувчиси

Ҳар ҳолда, фанда амалий фаолиятнинг ривожланиш босқичларини ва уларда юзага келадиган натижаларни олдиндан кўра олиш етакчи мақсадлардан бири эканлиги аниқ. Мазкур ривож ва ўзгаришларнинг тағзаминида объектлар ўртасидаги алоқалар моҳияти ётади. Файласуфлар қайд этганидек “Ўз моҳиятига кўра илмий билимни шакллантириш воситаси бўлган фан айна вақтда ижтимоий институт сифатида энг аввало, инсонни, олимни, унинг билими, кўникма-малакаси ва тажрибасини қамраб олади. Шу боис, илмий билимнинг шаклланиши муайян меъёр-мезон ва қоидаларни назарда тутадиги, уларга риоя қилиниши фаннинг маънавий ишлаб чиқаришнинг муайян кўриниши ва маълум турдаги ижтимоий онг шакли сифатидаги ўзига хосликларини белгилайди.

Ҳар қандай фаолият тури каби, илмий билиш жараёни маълум гуруҳдаги илмий фаолият мақсади ва унга эришиш усулларини акс эттирувчи меъёрлар назоратида бўлади. Бундай меъёрлар қаторига, одатда, қуйидагилар киритилади: а) илмий идрокнинг турли шакллари доирасида ўрганилаётган объектнинг тасаввур қилинишига йўналтирилган билиш мўлжали; б) фаннинг ижтимоий ҳаётдаги ўрнини ва тадқиқотчилар ўзаро мулоқотини йўлга қўйишда фаннинг ролини белгиловчи қонуниятлар.

Илмий мулоқотнинг ушбу икки жиҳати унинг билиш фаолияти ва ижтимоий ҳодиса сифатида бажарадиган икки вазифаси фаоллашувини тақозо этади.

Фаннинг билиш фаолияти билан боғлиқ вазифалари тадқиқотчи ҳаракатларини турли мўлжаллар бўйлаб йўналтиради: 1) воқеа-ҳодисаларни тавсифлаш ва изоҳлаш; 2) олинган билимни асослаш; 3) билишни тизимлаштириш кабилар. Бунда вазифаларни амалга ошириш умумлашган ҳолда тадқиқ усулларини қолиблаштиради ва шу аснода таҳлил объекти ўзлаштирилади.

Маълумки, ҳар бир мутахассис соҳасига оид илмий матнларни тез ва оқилона тушуниши, унинг асосий мазмунини оғзаки ва ёзма баён қила олиши шарт. Бундай кўникмаларга эга бўлган мутахассисда касбига оид турли жанрдаги матнларни битиш қобилияти шаклланади.

Бундан ташқари, илмий асар муаллифидан муаммонинг ўринли қўйилиши талаб қилинади. “Муаммо. Фараз. Қонуният” асарининг муаллифи В. Н. Карповичнинг наздида, муаммо тўғри қўйилган деб ҳисобланиши учун у қуйидаги шартларга жавоб бериши керак:

а) тадқиқ қилинаётган муаммо киритилиши мумкин бўлган муайян дастлабки билим (маълумотлар, назария, методика)нинг мавжудлиги;

б) расман тўғри тузилганлиги;

в) муаммонинг ўринлилиги, яъни унинг асослари сохта бўлмаслиги керак;

г) муаммонинг муайян даражада чекланганлиги, лекин глобал хусусиятга эга эмаслиги;

д) ечимнинг мавжудлиги шартига ишора ва унинг ягоналиги;

е) оқилона ечим белгилари ва ечимнинг мақбуллигини текшириш усуллари белгиланганлиги.

Қайд этилганидек, илмий тафаккур атрофимиздаги оламни мантиқий категорияларни шакллантириш йўли билан билишга йўналтирилади. Ўз навбатида, мантиқан шакл олган тушунчалар термин-атамалар воситасида тизимлаштирилган ҳолда у ёки бу фан соҳасининг мундарижасини ташкил қилади. Шу жумладан, лисоний воситалар танлови у ёки бу соҳадаги инсон

фаолиятининг хусусиятлари билан боғлиқлиги боис, ушбу соҳага хос ҳаракат турларига таянган ҳолда баён усуллари ва лисоний танлов қонуниятларини аниқлаш мумкин. Шунингдек, илмий асарлар тили ва услубий хусусиятлари таҳлили маълум соҳага оид тадқиқотлар тарихи ва ривожига ҳақида ҳулосалар чиқаришга асос яратади.

Илмий мулоқот вазифалари қаторига маълум кўринишдаги фаразлар, ҳулосалар, далилларни исботлаш ҳамда табиий ва ижтимоий ҳодисаларни тавсифлаш, изоҳлаш мақсадида долзарб муаммоларни аниқ ҳамда тушунарли равишда баён қилиш киради. Илмий баён услуби заҳирасидаги ифода воситаларидан фойдаланган ҳолда мавжуд нарсалар-ҳодисалар тавсифланиб, ҳақиқий ҳолат изоҳланади. Натижада илмий матн фикр-мулоҳаза ва далиллар мажмуасидан иборат бўлади. Уларнинг ишончилиги изоҳловчи нутқий тузилманинг тўлиқлиги ва мазмунан тушунарли бўлишига асосланади.

Илмий ишларда тадқиқотчининг диққат марказида, энг аввало, билдирилаётган фикр-мулоҳазаларнинг мантиқий боғлиқлиги ва мукамаллиги туради. Ушбу мулоҳазалар яқка ёки тасодифий ҳолатлардан кўра умумий ва қонуний ҳодисалар тавсифидан иборат бўлиши керак. Фикрий мавҳумлаштириш измидан бораётган олим ўз фикрини тизимли равишда баён қилиш йўллари қидиради.

Шунингдек, илмий услубнинг экстралингвистик хусусиятларидан яна бири умумлаштириш мақсадининг фаоллашувида эканлиги борасида билдирилаётган фикрга ҳам қўшилаемиз. Умуман, ҳар бир функционал услуб намунасида унинг коммуникатив вазифаси билан боғлиқ ҳолда ўзига хос кўрсаткичлар намоён бўлади. Бу сирага кирувчи хусусиятлар ва уларнинг кўрсаткичлари тил тизимида ўзига хос ифода воситалари ва уларнинг фаоллашувини назорат қилувчи меъёрлар тағтизимлари шаклланишини тақозо этади.

Адабиётлар:

- [1]. Абдуллаев А. Ўзбек тилида экспрессивлик ифодоланишининг синтактик усули. – Т.:Фан, 1987.-88 б.
- [2]. Абульханова – Славская К.А. Личностные типы мышления // Когнитивная психология. – М.: Наука, 1986. – С.161-169.
- [3]. Арнольд И.В. Интерпретация художественного текста: типы выдвигения и проблема экспрессивности // Экспрессивное средства английского языка. – Л.: Изд-во ЛГПИ, 1975. – С. 11-20.
- [4]. Арнольд И.В. Стилистика современного английского языка. – М.: Высшая школа, 1990. – 266 с.
- [5]. Арутюнова Н.Д. Речевой акт // Языкознание. Большой энциклопедический словарь. – М.: Русский язык, 1998. – С. 25-27.
- [6]. Арутюнова Н.Д. Типы языковых значений. Оценки. Событие. Факт. – М.: Наука, 1988. – 341с.
- [7]. Ашурова Д.У. Новые тенденции в развитии стилистики// Тил ва нутқ систем- сатҳ талқинида.- Самарқанд, 2005.- С.7-8.